

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

© № 283 (6. 174)

1986 йил 11 декабрь, пайшанба

Баҳоси 3 тийин



Илҳомбахш меҳнатимиз— ўн иккинчи беш йилликка

Курувчи минбари

Тўқувчилар
пешқадам

СИФАТ—БОШ МЕЗОН

Яқинда ишдан қайтаётган мактабдош дўстимни учратиб қолдим. Хол-аҳвол сўрашиб узок турдик. Сухбатимиз ҳали-бери тугамайдиган эди.

— Менга қара, — деди у, — дам олин кун бизникига бор. Мана адрес. Янги квартира олганман. Уйда мирқиб сўзлашамиз.

Белгиланган кун дўстимникига йўл олдим. Оила аъзолари кўюк кутиб олишди. Дастурхон устидан суҳбатимиз қизиб кетди. Ниҳоят гап мавзун сифат масаласига келиб тақалди.

— Трактор заводида ишлашимни билсан, — деди у. — Шу кунларда сифат масаласи бизда жуда қаттиқ қўйилган. Айниқса давлат қабул комиссияси иш бошлагандан бери сифатга эътибор янада кучайиб кетди. Сизларда бу соҳада ишлар қалай?

— Сизларнинг айтганим, у менга қараб жиймайиб қўйди.

— Айниқса сизларнинг ичингизда сифат сува ва ҳаводай зарур, — деди у. — Мен билан юр. Сенга бир нарсани кўрсатаман.

Залга кирдик. Рўпарага чўгдек гилам осиб қўйилган. Сервантда турли-туман идишлар. Хонада диван, кресло, стол ва стуллар. Хуллас уш шинам безатилган.

— Қалай, — деди дўстим. Мен бош қимирлатиб, «яхши», ишорасини билдирдим.

— Энди мана бунга қара, — у шундай ҳақ гиламининг бир томонини кўтарди. Кўп-кўп уш.

— Қоронғи бор эди. Лекин ушга кўчиб келганимизга бир ой бўлмай кўчиб кетди. Етоқхонада аҳвол бундан ҳам ёмон. Дераза ойналари синик. Динолеуми кўчиб кетган. Ваннахонанинг чирокни ёймайди. Иссик сув қанчалик яхши ишламасди. Бунинг устига барча хоналардаги электр ўқиргичлар жойидан қўзғалиб, ўйноқлаб турибди.

— Хўш, шундан кейин сиз-

фат ҳақида сўз юритиш мумкиними, — деди у менга савол назари билан қараб. Пешонамдан совуқ тер чиқиб кетди. Ошхонада куймаланиб юрган аёл гапга аралашди.

— Вой, қизиксиз-а дадаси. Ахир бу киши уйингизни текширгани келган комиссия эмас, меҳмон-ку.

— Дўстим ҳам қурилишда ишлайди. Шундай экан бу камчиликларни билиб қўйса ҳарқалай ёмон бўлмайди, — дея ҳазилмоз гап олди у.

— Вой, сиз ҳам бинокор-мисиз, — деди хотин чимирлиб.

Бу сўз менга «шўринг кўрсин», дегандай туюлди. Ўтиролмай қолдим. Сухбатдан фойда келди. Билмайман бинокор бўлганим учунми, бу ишларга худди мен айбдордек ҳис этардим ўзимни. Ниҳоят уни-бун баҳона қилиб дўстим билан хайрлашдим.

Кўчада кетаётганимизда — нукул кулоғим остида аёлнинг «Вой, сиз ҳам бинокор-мисиз», деган товуши жаранглади. «Биринчи мингта-мингта» тунанга, деганлари шу бўлса керакда. Шу ўринда бир нарсани таъкидламоқчиман. Бинокорлик масъулиятли касб деймиз. Унинг шарафлиги ҳақида қайта-қайта гаплашамиз. Хўш, бу ерда қани ушга масъулият? Қани касб шарафи? Мамлакатимизда қайта қуриш ва жаддалаштириш даври ҳужум сураётган бир пайтда ҳужумдаги камчиликларга қили ҳам тоқат қила оладикми?

Эртасига бу гапни бригаданимиз аъзоларига айтиб бердим. Шу баҳона қурилиш сифатига эътибор яна бир қарра кучайтиришга аҳд қилдик.

Чиндан ҳам, сифат масаласи шу кунингизнинг муҳим проблемаларидан бири бўлиб қолди. Бекорга ҳам сўнгги вақтларда давлат қабули ҳақида тез-тез сўз юритилмапти. Баъзан ўйлаб кетаман. Хўш, давлат қабул комиссияси, масалан

бизда иш бошласа, нима бўларди, деган саволни берман ўзимга-ўзим. Биз бунга тайёрмизми? Менимча йўқ.

Мен бу ерда курувчиларни оқламоқчи эмасман. Бироқ хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг иш сифати фақат унинг меҳнатигагина боғлиқ эмас.

Чунки масаланинг объектив ва субъектив томонлари бор. Объектив қай даражада битиши ва қачон фойдаланишга тошпирилиши курувчилар билан биргаликда қатор корхоналар ва ташкилотларнинг ишига ҳам боғлиқ. Масалан, объектга темир-бетон бир корхонадан келтирилса, қурилиш учун зарур бўлган ўзга жиҳозлар бошқа корхоналардан келтирилди. Биргина темир-бетонни олайлик. Ҳақиқат уш вақтда қурилиш участкасига етиб келадими? Стандарт талабига жавоб берадими? Йўқ. Бошқа қурилиш инвентарлари ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин.

Ана энди масалага жиддий ёндашайлик. Қурувчида план бор. Объектни ўз муддатига тошпириши керак. Бунинг устига материаллар танқис. Кечикиб келган бетон ҳам сифатсиз чиқиб қолди. Хўш, энди курувчи нима қилсин?

Материалларни брак деб қайтаришнинг ўзи бўладими. Қайтарганингиз билан дарров сизга сифатли бетон кела қолмайди. Боши қотган курувчи чор-чорор ўша материалдан фойдаланишга мажбур бўлади. Афсуски, мана шу мажбурийлик иш сифатига салбий таъсир этади. Бундан қандай қутулиш мумкин? Қачонки, ҳамма ўз ишига масъулият билан ёндашганда, план орқасида қувмай сифатга ҳам етарли эътибор берганда. Бунинг мен кўп йиллик тажрибамдан ахши биламан.

Бир неча йилдан бери комплекс коммунистик меҳнат бригадасига раҳбарлик қиламан. Коллективимизда 22 киши ишлайди. Бригада пудрати методи асосида ишлаб, амалда унинг афзалликларини исботлаймиз.

Кўп йиллардан бери бригаданимизда сифат комиссияси иш олиб боради. Унинг беш кишилик аъзоларини ўзимиз сайлаганимиз. Улар ҳам бошқалар билан ёнма-ён ишлашади. Биринчи навбатда комиссия аъзолари бошқаларга нибрат кўрсатишади. Кейин эса ўзгалардан талаб қилишади. Очигини айтганда, мана шу усул бизга жуда қўл келмоқда. Иш сифати тобора яхшиланиб бормоқда. Хўш, мана шундай комиссияларни бошқа бригадаларда ҳам тузиш мумкин эмасми? Албатта мумкин.

Биргина мисол, яқинда биз Юнусовд массивида қад қўтарган 400 ўрнли етоқхона биносини муддатидан икки ҳафта олдин фойдаланишга тошпирдик. Бинонинг биринчи марта бригаданимиз аъзоларидан ташкил топган комиссия қабул қилди. Унинг синчковлиги билан баъзи бир камчиликлар аниқланди. Биз уларни тузатдик. Ниҳоят объект яхши баҳога қабул қилинди. Бу баҳо ҳаммамизни қувонтириб юборди.

Шу кунларда коллективимиз Новоульяновский қула-сида яна бир етоқхона биносини пойдеворини қуришга киришди. Бу бино «Ташсеель-маш» ишчилари учун ўзла-қалланган. Қурувчиларимиздан Э. Қорабоев, В. Мауиров, В. Хусниддиновлар нибрат кўрсатиб ишлашмоқда. Сана тошпириқларнинг 20—30 процентига ошириб адо эта-ётган бу илгорлардан коллектив ўрнак олмақда. Уш Октябр социалистик революциясининг 70 йиллигини ўн иккинчи беш йиллигини икки йиллик план-тошпириқларига бажариш билан қутиб олишга аҳд қилган бригаданимиз аъзолари «Сифат-бош меzon» шiori асосида меҳнат қилиб самарали ютуқларни қўлга киритаяпти.

Б. АҚМАЛҲУЖАЕВ, «Гавташкентстрой»нинг 4-трестига қарашли 6-куриниш бошқармасининг комплекс коммунистик меҳнат бригадаси бошлиғи.

«Ушқун» тўқимачилик галантерей ишлаб чиқариш бирлашмасида 11 ойлик мусобақа натижалари бўйича бирлашма филиалининг тўқув цехи коллективи пешқадам бўлди. Бу цехда ой сайин белгиланганидан анча ортиқ сифатли денталар ишлаб чиқарилиб, савдо тармоқларига етказиб бериляпти. Бундан ташқари цехда меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулот таннарихнин арзонлаштиришда ҳам дурустгина ютуқлар қўлга киритилляпти. Бирлашмада 11 ой мобайнида 18 миллион 917 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу маҳсулотнинг 72 минг сўмликни планга қўшимча тайёрляпти. Коллективнинг бу муваффақиятида тўқув цехи ишчиларининг муносиб ҳиссаси бор.

Ҳозир бирлашма ишчилари ўртасида йилги муваффақиятлар ақунлаш, Ушқун Октябр социалистик революциясининг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа кенг қулоқ ёймоқда. Бу мусобақада утган беш йилликда икки беш йиллик тошпириқига бажарган Б. Маннопов, С. Сайдов, Л. Серёженко ва би ялгорлар пешқадамлик қилишляпти. Бу ишчилар ҳозир 1987 йилнинг март — апрель ойлари ҳисобига маҳсулот тайёрляшляпти.

Бирлашмада харидорлар эътиёжини ҳисобга олиб, резина ишлаб чиқаришнинг икки баравар қўлайтириш ва йилга 70 миллион метрга етказиш бўйича ташкилий-техник тадбирлар амалга ошириляпти.

Сергей Мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси кейинги йилларда шахримиздаги илгор саноат корхоналари сафидан мустахкам ўрни олди. Бунда корхона маъмурияти, партия, касба-союз ташкилотлари амалда оширатган ташкилий-техник тадбирларнинг аҳамияти катта бўляпти.

Коллектив йил бошидан бери 26.107 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди. Бу маҳсулотнинг 557 минг сўмликни планга қўшимча реализация қилинди. Ҳозир корхонада 38 процентдан ортиқ маҳсулот давлат Сифат белгиси билан тайёрланмоқда. Бу тармоқдаги юқори кўрсаткичлар. Бирлашманинг юшқоқ Мебель фабрикаси коллектив эса барча маҳсулотини фахрли беш қиррали белг билан тайёрлямоқда.

Шу йилнинг ўзида корхона маҳсулотларини икки марта республика Давлат стандартлари бўшқармаси ходимлари томонидан текширилди. Бу текширувлар коллектив маҳсулот тайёрлашда стандарт талабларига риоя қилаётганлигини кўрсатди.

Бу йил бирлашма коллектив 28 миллион сўмликка яқин Мебель буюмлари тайёрлаб, республика савдо ташкилотларига юборди.

Стандарт талабига мос

Замондошимиз



ИШЧИ ТАБАССУМИ

Айтишларича, эрталаб ишхона ёки корхонасига, кечкурун эса уйига ошқикан киши бахтиёр ҳисобланаркан. Бу гапда жон бор, албатта. Ўз ишининг жон-дилигидан севсанг, кунинг қандай ўтганини ҳам сезмай қолсан, киши. Аксинча, ўз касбига меҳр қўймаган одамнинг кун ўтиши қийин бўлади, у кун бўй бошини қаёққа уришни билмайди, диққати ошаверади. Табиийки, бундай одамнинг ишда унуми ҳам бўлмайди. Нурия бун корхонага келган дастлабки кунлардаёқ ўз дилидан ўтказган эди. У шундай аҳд қилди: биринчидан, касбга астойдил ихлоос қўйиш, иккинчидан, фақат ўзини ўйламай, ёрдам сўраб келган ҳамкасбларига қўмақлашиш...

Нурия Маҳмудованинг «Сигнал» илмий-ишлаб-чиқариш бирлашмасида ном қозонишга аспда мана шу икки иштиш сабаб бўлди. Мана ўн етти йилдирки, шу корхонада фаол меҳнат қилиб келяпти. Ҳозир у Акмал Икромов район Советининг депутаты, мураббий ишчи сифатида ҳурматга сазовордир.

Маълумки, кейинги йилларда она-Ватанимизнинг фахри ҳисобланган пахта толасининг сифатини кескин яхшилаш йўлида кўп ишлар

қилиняпти. Нурия пахта толаси сифатини яхшиловчи приборлар тайёрляпти. Демак, тола сифатини пухта аниқловчи приборнинг ўзи жудаям ало сифатли қилиб тайёрланган бўлиши лозим! Бун Н. Маҳмудова жуда ахши астойдил жон куйдирапти. Бугина эмас, сифатга муҳим эътиборни қаратган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг муттасил қўлайтириб боришга интиляпти. У ойлик тошпириқларини мунтазам 130—140 процентдан адо этапти.

Пухта ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳар бир ишчининг шўхрати, ҳар бир меҳнатчининг шон-шараф ва виждон ишига айланиши ва аксинча бўлиши, диққатли ва бошқа хил салбий кўринишларга ғов қўйиш шарафли касб эгаларининг ватанпарварлик бурчига айланиши лозим. Нурия ана шундай виждонан ва ҳалол меҳнат қилаётганлиги учун ҳам бирлашма Фахрий ёрқиларига сазовор бўляпти...

СУРАТДА: Н. Маҳмудова.

М. Нуриддинов фотоси.

ПАРМАЛАШ МУДДАТИ ҚИСҚАРДИ

«Ўзбекнефтегазгеология» бирлашмаси Улат экспедициясининг ўнги қидирув-разведка қудуғида пармалаш муддати 250 кун қисқарди. Мастер Э. Ҳикматов бошлиқ қилаётган бу коллектив бирлашма социалистик мусобақасида пешқадамлик қилмоқда. Йил охирида байрам қилинадиган республика геология хизматининг 60 йиллиги шарафига оширилган мажбурийлар қабул қилинди. Пармаловчилар пландаги 6 минг метр ўрнига 8 минг метр тоғ жинсини пармалашга қарор қилишди.

Улар сўзларининг устидан чиқишади — меҳнат самарадорлигининг ўсиши шундан дарак бериб турибди. Натияжа ҳозирча планда белгиланганидан 3,7 процент юқори бўлмоқда.

ЯНГИ ИЖОДИЙ СТУДИЯ

Тошкентдаги 217-мактабда «Эксперимент» ижодий студияси ташкил этилди. Ёшлар ижодий бирлашмасининг программасида санъат проблемаларига бағишланган мунозаралар ўтказиш, пьесаларни саҳналаштириш,

ШАМОЛЛАШ БЎЛМАЙДИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг «Электроника» институтини меҳнатчиларнинг буюртмаларига биноан оригинал бир прибор яратилди. У қўлтига касалликларни даволашда ишлатиладиган кислородни иситиб беради.

Гап шундаки, кислород билан даволашда агар газ тўғридан-тўғри баллондан бериладиган бўлса, кўпчилик юқори нафас олиш йўллари катари ёки ҳатто ўпка яллиғланиши каби шамоллаш касалликлари вужудга келади. Чунки бунда физикадаги машҳур қонун қўчга қиради: бирдан кенгаювчи газ қаттиқ совибди. Шу кислород ИОГ-3 аппаратидан ўтказилса, бу аҳвол юзага чиқмайди. Аппарат пухта ва уни ишлатиш содда бўлиб, медицина ҳамшираси ундан осонгина фойдалана олади. «Ўзлабмедтехника» экспериментал заводи бундай институтини аппаратларни қўлаб ишлаб чиқаришга киришди.

(ЎЗАТ).

САНЪАТКОРЛАР МАҲАЛЛА МЕҲМОНИ

Фрунзе районидagi янги очилган «Шарофат» чойхонаси одатдагидан гағжум. Бу ерда Овчибоев номидаги республика ёш томошбинлар театрининг санъаткорлари меҳмон бўлиб келдилар. Улар «Обувая» ва А. Авалиев номидаги маҳаллар аҳолиси билан учрашдилар.

«Шарофат» чойхонаси яқинда ишга туширилган бўлиб, унда асосан шу икки маҳалла хотин-қизлари иштирокда турли мавзуларда сўёсий ва маданий тадбирлар ўтказилади.

Учрашувда Ўзбекистон ССР халқ артистлари Манзура Ҳасимова, Мухаббат Йўлдошева, Обид Толипов, артистлардан Обид Ҳасимов, Ақром Исмолов, Нодира Аҳмедова, Муҳтабар Ереова ва бошқалар қатнашдилар. Улар «Отлар сўзи» ақлининг «қўзи» спектакли, «Корвол», «Келин ва келинона» миниатюралари ва бошқа саҳна асарларидан парчалар кўрсатдилар. Хотин-қизлар театр ижодкорларининг маданий хизматидан мамнун бўдилар.



Николай Бондор бошлиқ бригадани «Технолог» илмий-ишлаб-чиқариш бирлашмасида кўпчилик ахши билади. Бу бригада коллектив кенг истеъмол буюмлари участкасида меҳнат қилиб ҳақ рўзғори учун зарур бўлган турли хил буюмлар ишлаб чиқаришдак муҳим вазифанинг ҳал этилишига муносиб ҳисса қўшишляпти. Бригадада самимий, хуш-

чаққақ кишилар меҳнат қилади. Фотомуҳбиримиз Т. Каримов ушбу суратни олганда бригаданимиз меҳнат отпускида эди. Коллективга спесарь-созловчи Александр Фролов бошчилик қилаётган эди. СУРАТДА: Александр Фролов (ўртада) бригада аъзолари билан.

ТАСС ТЕЛЕТАИП ЛЕНТАСИДАН

◆ ВАШИНГТОН

1980 йилдан буён ўтган даврда Қўшма Штатларда ҳар йили ядро қуроллари ишлаб чиқариш қарий икки баравар ошди. Ҳозир Америка ҳукумати корхоналари конвейерларидан ҳар йили 2000 га яқин ядро қуролли тушмоқда. Бу рақамлар АҚШда нашрга тайёрланган «Америка Қўшма Штатларида ядро қуроллари ишлаб чиқариш» китобида келтирилган.

◆ СОФИЯ

Бугун Болгариянинг 88 минг студенти ўз байрамини нишонламоқда. Байрам арафасида турли олий ўқув юртиларида таълим олаётган йигит ва қизлар партия, давлат ва қизлар таълим ташкилотларининг раҳбарлари билан учрашувлар ўтказиляпти. Бу учрашувларда БКП 13-съездининг Фантехника революциясини амалга оширишга, экономиканинг сифат жиҳатдан янги ўсишини таъминлашга қар-

ратилган қарорлари асосида Болгария олий мактаби олдига турган вазифалар тўғрисида ошқора гаплашиб олинди. Бу йил 4 мингта яқин киши роботсозлик ва ишлаб чиқаришнинг автоматлаштириш, электроника ва лазер техникаси, биотехнология билан алоқадор иштиросларини ўрганади.

◆ ДЭХЛИ

Вашингтон Ислом олободга тез орада юборадиган АВАКС системаси билан жиҳозланган самолётларни америкалик ҳарбий хизматчилар учирадилар. Ҳиндистон ПТИ ахборот агентлигининг Пентагон расмий вакили берган баёнотга таъкиб Нью-Йоркдан хабар қилишча, АҚШда олиб борилаётган Америка — Покистон музокараларида шу ҳақда аҳдлашувга эришилган.

◆ САН-ФРАНСИСКО

Американинг Калифорния штати аҳолиси Мексикадан бу ерга келган ва БМТнинг бошқарувида бўлиб турган Халқаро тинчлик юришнинг қатнашчиларини қизғин таъриқлаб, қутиб олди. Бизнинг бош китба бўйлаб ўтказиладиган тинчлик машъаласи остидаги эстафетамиз урушларсиз келажак учун кураш-

га даъват қилиди, деди ЮНИСЕФ директорининг ўринбосари Рейнхарт Фрайберг. Санта-Моника шаҳрида ўтказилган таънавали маросимда, Юришнинг «Тинчликка ймоний бериш» деган шiori етти тилда майдон узра янгради. Лос-Анжелеснинг болалар хори ер юзидagi турли халқларнинг тинчлик ҳақидаги қўшиқларини ижро этди. 11 декабрь кунин эстафети Нью-Йоркда БМТ биноси ёнида ниҳоси-га етди.

◆ КОБУЛ

Покистон шимели-гарбий чегара вилоятида пуштун қабилаларининг отрядлари қилди, деди

биан Афғонистон аксилкичи-лобчиларининг тўдалари ўртасидаги қуролли тўқнашувлар нўхталайди. Бахтар агентлигининг хабарига кўра, Лакатжа аҳоли пунктининг яқинида қабилаларнинг жанговар отрядлари босмачиларга қаршилик катта ўқ-дори омборига гранатомётлардан ўқ ёдирганлар.

◆ ПРАГА

Чехослования бадиий мультфильмлари усталари машҳур адабий наҳармои — шоввоз солдат Швайкин — саргузаштлари тўғрисидаги ўн серияли мультфильмация фильмни яратишга киришдилар. Бу кинопоениянинг ва ундаги бош

қаҳрамоннинг ҳаракатлари Ярослав Гашек яратган машҳур романининг ҳамма асосий воқеалари ва сюжетларини ўз ичига олади. Романи мультфильмация воситалари билан тақдир этиш соҳасидаги ҳамма ишларни 1988 йилда тугаллаш режалаштирилмоқда.

◆ БАҒДОД

Ироқ аниқланиши икки-сидиги иктисодий ва ҳарбий объектларга зарба уришни давом эттирди. Ҳарбий бош кўмондонлик қирувчи-бомбардирчи самолётлар Арак ва Канжвардаги трансформатор подстанцияларига, Қалат — Шохиндаги ҳарбий базига

бомба ташланганлигини хабар қилди. Ҳамма самолётлар ўз базаларига қайтиб келдилар. Эрон кўрғазидан сал нарида «йирки денгиз нишонига ҳужум қилинди».

Ироқ қўшинлари фронтнинг ҳамма участкаларида ҳарбий ҳаракатлар олиб бордилар. Уш қанотда душман позициялари тўп ва миномётлардан ўққа тутилди. Басрадан шарик-роқда нибда аскарларнинг бир неча позициялари аксон этилди.

Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида

бу қарори
улур фар-
онин эътиро-
фидир. Мам-
булди Носир
империализм
сиёсатини даф-
ла-иқтисодий
ушуга ушди.
коммунизм
транспортини
аймон Мет-
ага қараган-
роси 1987
ништа туша-

ида СССР
Жамиятла-
қи Кеңаши
Миср жн-
аси (МИУ)
лик туғри-
измоланди.
и-техникавий
лаб туриш-
арда бирга
рунгиш
вида туғди.
қуриш, ат-
қофаз қи-
ғу ресула-
қидоралини
жамкорлиши

АМОЛ
пл ороллари
территориясига
сирасига кирув-
ро оролида орол-
10 нафар пасса-
бир неча тонна
нишга мўлжал-
канли катамаран
нги верфи очил-
ндай катамаран
арзон, енгил
на баҳосига
Шу билан бирга
машинага нисба-
мкордир: у ёнил-
этмайди.

ан ва
лайда
янингта
ларис
типи-
қила-
Дженс-
и
и
офава
япон
ав-
овдан
Ройда-
янингта
орала-
ллар
мус-
инови
алган;
днинг
йиш-
ққдаги
сворга

Маршалл ор
(АКШ) террито
қарашли) сираси
қи Мажуру орол
лараро 20 нафар
жир ва бир неча
юкни ташигма
ланган елканли кат
кемасозлиг верфи
дир. Бундай кат
қиймати арзон,
автомашина би
тенгдир. Шу билан
бу кема машинага
таи тежамкордир:
ғи талаб этмайди.

юлдан касаллик туфан-
ли вафот этган. Шуниси
ган ва катта тезликдаги
автомобиль бетон деворга
тан тежамкордир; у ени
ги талаб этмайди.


ЖОНАЖОН БАТАН БҒИЛАБ



Бундан 45 йил муқаддам мамлакатимизнинг пойтахти Москва атрофида фашист босқинчилари улоқтириб ташланди. Иккинчи жаҳон урушида тубдан бурилиш ясаган бу қаҳрамонлик намунасига пойтахтнинг халқ кўнгиллилари муносиб ҳисса қўшди. Шаҳар маҳкаташлари 1941 йилнинг июнь ойи охирида кўнгиллилар отрядларини тузиш тўғрисида ташаббус кўрсатдилар. Бу ташаббусни партия Марказий Комитети, Давлат Мудофас Комитети маълумлади. Натيجида бир неча кун ичида Москва партия ташкилоти кўнгиллилардан иборат ана шундай 12 дивизию тўзди.

СУРАТДА: Москвадаги «Народного ополчения» кўчасида кўнгиллилар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик.

Р. Денисов фотоси, ТАСС фотохроникалари.



КИЙИМЛАР ТАРИХИДАН

Намунали костюмнинг чонлардир инглиз қироли тарихий қисми анъанавий часи ҳарбий муңдирлар бўлиб, гоҳо қизик тарихга енгита тугмалар қадашга ҳам эга. Масалан, енг кўрсатма берган, чунки қайтармасидан тугмалар солдатлар буруларини қандай юзага келган? даструмолагина артсин.

Таъкидлашларча, қалар...

Ахлоқ мавзuida

Кунлардан бир кун

ЖАЖЖИ РАБОТ

Америкадаги «Микроабот» фирмаси энг кичик «Альфа» работни ишлаб чиқарди. Бу бир кўлли работ машинанинг бўйи 30 сантиметр бўлиб, у 600 грамм юкни кўтарди, холос. Мазкур работ фармацевтика фабрикасидаги конвейер ёнида туриб инструкция ёзилган қоғозларни дори қўтичаларга солиб туриш учун мулкаланган. Ниҳоят бу оддий, аммо зерикарли ишни механизациялаш муваффақиятли чиқди.

Агар «Альфа»нинг электрон миёсини қайта программалаштира, у бошқа юмушларни ҳам бажариши мумкин.

«ЯЛАНГ ОЕҚ»

Парижлик моделчи Пьер Карден ўзи ишлаб чиқарган аёллар туғилсини худди шундай деб атади. Бу туғил одам териси рангидан юмшоқ чармдан тайёрланган бўлиб, «тирноқ»лари усталлик билан пардозланган ва сиртига тиниқ лаб берилган. Ортопед врачлар бу янгиликка яқиний бажаришди. Уларнинг фикрича, туғил бир оз гайритабиийликдан қатъий назар оёққа ёпишиб

тургани учун ҳам уни кунни бўйи кийиб юравериб музкин. Бундай пойабзал мутасил пидеа қорувчи почталар ва эрта-юкеч тикка туриб ишлайдиган фабрика ишчилари учун тавсия этилган.

АВТОМАТ-ЛАБОРАНТ

«Медикор» бирлашмасида тайёрланган қон-анализ қилувчи гематологик қурилма шундай номланади. Энди ҳамшира бемордан кераклича қон ола бўлгани, қолган ишни «лаборант» бажаради. У қонни таъсирланидиган модда билан арандаштириб, кетма-кет оптик, электрохимик ва бошқа ўлчагич қисмларга юборади. Автоматик тарзда кечатган анализ натижаси дисплейда акс этади. Лейкоцитлар, эритроцитлар сони ва гемоглабин каби бошқа моддалар миқдори аниқланади. Автомат-лаборант бир соатда 120 кишининг қонини текшириб беради.

А. ТУРАЕВ тўплаган.



«Мен китоб ўқийми яхши кўраман».

А. Тўраев фотозэтиди.

Фойдали тадбир

МАГНИТЛИ ПАСПОРТЛАР

Япония юстиция министрилик магнитли паспортларни жорий этишга қарор қилди. У шажаси гувоҳнома ўрнатилиш мумкин бўлган зарур маълумотларни пластикларга ёзиш системасини ишлаб чиқиш ниятида.

Зарурат туғилганда электрон қисбонлаш машиналари бир ондаёқ магнитли маълумотлар ёзилган тахтачани ўқийди ва ҳужжат эгасини тасдиқлайди. Министрлик мутахассисларининг фикрича, бу усул қалбаки паспорт имкониятини рад этади.

Меҳмонда

Ленинграддаман. Бу ерлик дўстларим мени «Ўзбек таомлари ресторанига» таклиф қилишди. У Пискарев қабристон томонда, баланд уйланинг биринчи қаватида жойлашган экан.

... Бу ерда ҳамма нарсаси оят юртимни эслатида. Ўзбек омаири Сизга мунтазир: палов дейсизми, чучварами, лагмону кабобими... Деразлардаги деразлар товус каби товланган Маргилон атласидан. Стол устида оби-нон, юзмада седанаси билан, «Фаргона сувви» дейсизми, «Тошкент сувини» мерҳамат. Чаққонгина официант йигит ва қизлар кўлларини кўксига қийиб, меҳмондўстлик кўрсатишди. «Ялла» хонанда-

лари видео экрандан дилингизни хушуд этмоқчи бўлади.лар: «Ғайра, ғайра дәмбе-дәм, ширин забоним бор меннинг...» Аммо, чин дилдан икор бўлсам, нимадир етишмайди, нимадир...

Безан кишида шундай бўлади: кўнглинг алланимани тусайди. Нима эканлигини эса ўзинг билмайсан Бу ерда ҳам худди шунинг ўзини.

Азиз ва дилкаш ленинградликлар, меннинг меҳрибонларим! Хизматингиз учун катта раҳмат! Она юртимдан минглаб қақирим нарида бир ўзбекнинг кўнглини кўтариш учун шундай ақойиб гўша яратибсизлар. Лекин каминани ношукурликда айбламган: сабаби — барбир мен ўз гапимда қолман. Бу ерда ҳамма нарсаси ўзбекистонча, аммо нимадир етишмайди.

Нима экан у ўзи? Қани эди бунинг ўзим билосам!

Балки у она юртим ҳавосидир!

Еки она туғригим ҳиди...

Қодиржон СОБИРОВ, журналист.

Н. ҚОСИМОВ: Войга етмаган икки болам мен билан яшамади. Бунинг устига яна икки болага нафақа тўлайман. Шунинг учун даромад солиғини қайтарилишини талаб қилсам бўладими?

Жавоб: Ҳа, бўлади. Агар кишини қарамоғида тўрт киши бўлса (бундайларга алимент нафақаси тўланадиган болалар ҳам қиради) даромад солиғи 30 процентга қайтарилиши керак.

А. ВАЛИЕВ: Институтини тугатганидан кейин ёш мутахассис сифатида тақсимоат билан ишга юборилган эдим. Бир неча вақт ўтганидан кейин армияга қақирдим. Айтинчи, армия хизматини ўтаб бўлганидан кейин ҳоҳлаган ташкилотга ишга жойлашганим мумкинми?

Жавоб: Ҳа, мумкин. Бироқ армия хизматидаги вақт ишлаган вақт билан жамланганлигидан 3 йилдан кам бўлмаслиги керак. Агар 3 йилдан кам бўлса, у ҳолда ёш мутахассисларни тақсимоат қонда-сининг 51-бандига асосан сиз тақсимоат билан юборилган ташкилотга бориб ишни давом эттиришга мажбурсиз.

К. САФАРОВА: Мен ҳозир институтини охириг қурсида ўқийман. Ўқийми қундузги бўлгани учун тақсимоат йўли билан ишга юборилишим мумкин. Яқинда турмушга чиқдим. Айтинчи, онлилик ёш мутахассис тақсимоат йўли билан бошқа шаҳарга юборилиши мумкинми?

Жавоб: СССР Олий ва ўрта махсус ўқув юрларини битириб чиққан ёш мутахассисларни шахсий тақсимоат тўғрисида СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги 1986 йил 18 мартдаги буйруғи билан тасдиқланган Низомга асосан никоҳда бўлган ёш мутахассислар онлилик аҳолига қараб иш билан таъминланадилар.

А. АКБЕРОВА: Мен қўбинат маъмурияти 10 кун мудат билан командировкага юбормоқчи. Қарамоғида ёш болам борлиги туфайли борабмаслигини айтсам, борабмасиз чора кўрамай деб айтишди. Маъмуриятини талаб қилганим?

Жавоб: Ўзрли сабаб, сиз командировкага боришдан бош тортиш меҳнат интизомини бузиш деб ҳисобланади. Қонун ҳомиладор аёлларни ва эмизикли боласи бўлган оналарни, шунингдек боласи бир ёшга етмаган аёлларни командировкага юбориш тақиқлайди. 1 ёшдан 8 ёшга болалари бўлган аёлларни ҳам уларнинг розилигисиз командировкага юбориш мумкин эмас.

Т. ҚОДИРОВ: Мен олий ўқув юртида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқийман. Диплом иши ёзмақчиман. Айтинчи, отпусқа муздати неча ойни ташкил қилади? Иш жойидан ҳақ бу вақт учун қандай тўланади?

Жавоб: Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқитганлар диплом ишларини бажариш ва уни ҳимоя қилиш учун отпусқа олиш ҳуқуқида эгадилар. Бундай отпусканинг муздати ўрта махсус ўқув юрларининг ўқувчилари учун — 2 ой, олий ўқув юрларининг студентлари учун — 4 ой. Бунда олий ўқув юрларида ўқитганларга ўртача ойлик иш ҳақи, лекин ояига қўли билан 100 сўм миқдорда, ўрта махсус ўқув юрларида 50 сўм миқдорда пул тўланади.

Маъмурият тегишли ўқув юрларининг тавсисини билан олий ўқув юрларида ўқитишларни таллаган хитисоси бўйича бевосита ишлаб чиқарилишини ўзида танилишлари ва диплом ишга материаллар тайёрлашлари учун иш ҳақи сақланмаган ҳолда қўшимча бир ойлик отпусқа бериш ҳуқуқида эга.

А. ХАСАНОВ, юрист-консултант.

ОИЛА ДАВРАСИДА СУХБАТЛАР

Мақтаб ислохоти — амалда

Коммунистик тарбия маркази

Еш авлодин коммунистик руҳда тарбиялаш масаласига партия ва ҳукуматимиз ҳамisha чексиз ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Коммунистик жамият актив қорувчиларининг янги авлодларини тарбиялаб воёга етказиш биринчи даражада партиянинг аҳамиятга молик иш эканлиги, шунга кўра умумий таълим ва ҳунар мактабининг ислоҳ қилиш алоҳида аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, ёш авлод тарбиясида мактабнинг роли беинҳоядир. Ўқувчиларга касб, ҳунар ўргатишда маслаҳатгўй ва меҳрибон бўлиш, машаққатларга бардошли бўлиш, ёшларда ишлаб чиқаришга, эгаллашган касбига чинакам илос қўйиш асосида малакали ишчи ўринбосерлар армиясини тайёрлашдек мураккаб вазифа ўқитувчи ва мураббий зиммасида туради. Ана шунинг учун ҳам мамлакатимизда халқ маорифи системасини ислоҳ қилиш, ёш авлод тарбиясига замонавий руҳ, келажак гуманитарий ғойлари талаблари — асосида ўрта таълим ва ҳунар мактабларининг иш жараёни, таълимнинг қўйиллиши мазмунини ўзгартириш, янгилаш зарурати пайдо бўлди.

Еш авлодин коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялаш мактабдан бошланади. Мақтаб болани ҳар соҳага, чунки коммунизм идеалларига, ватанпарварлик ва интернационализм ғойаларига эътиқод қилиш руҳида тарбияланадиган асосий маркази ҳисобланади. Шу маънода атоқли совет педагоги В. А. Сухомлинский: «Коммунистик ахлоқнинг муҳими томонини эътиқод ҳисобланади. Катъий коммунистик эътиқодни шакллантириш — тарбиянинг асосий вазифаларидан биридир. Ёш мактабда коммунизм учун курашнинг ҳаётининг олий мазмунини деб билганлар юксак ғоя билан сурюлган қиссонини шакллантиришга эришади. «Коммунизм лозим», — деб айтган эди.

Шуни айтиш керакики, ҳозирги кунда олиб борилаётган таълим-тарбия, ўқиш-ўқитиш жараёни мактаб ислохотининг бошланиши, эндиликда амалга оширишга киришилётган қийинчиликлар даражидир. Халқ ислохот қутлиган мақсадимизга, талаблар даражасига етгунча анча мудат давом этадиган жараёндир. Аммо ёш авлод тарбиясида давлат аҳамиятга эга бўлган бу муҳим ишни, ҳали давом этаверадиган жараён, аста-секинлик билан амалга ошириш кўзда тутилган экан, деган юзаси фикрлар ғирдобиди қолмаслигини лозим. Еш авлод тарбияси бир зум ҳам ўқитиб бўлмайдиган, уни изчиллик билан амалга ошириш зарур бўлган масаладир.

Бас, шундай экан, ҳозирги кунда, яъни ислохотнинг дастлабки жараёнида умумий таълим мактаблари ва ҳунар мактабларида асосий мақсадимиз бўлган таълим-тарбия ва ўқиш-ўқитиш ишлари талаблар даражасидан, деган ҳақида савол туғилади. Бу саволга тўлақонли жавоб қилиш учун ўқувчилар орасида олиб борилаётган коммунистик тарбиянинг мазмунини қай аҳволда қўйилаётганини таҳлил этишнинг ўзи киёф. Шу маънода коммунистик ахлоқнинг ватанпарварлик, ҳарбий ватанпарварлик ҳамда интернационализм ғойаларини тарбиялаш масаласини кўриб чиқсак фойдали бўлади.

Авалло ўқувчилар орасида ватанпарварлик тушунчасининг қарор топиш мактабдан бошланади. Бу тушунча кенг маънода ўз ватанининг содиқ фардани сифатида уни эъзозлаш, эътиқод қилиш асосида туғилган она ерининг ҳавоси, табияти, тарихи, гўзаллиги, бойлиги, энг муҳими дахлсизлиги, халқнинг бахт-саодати учун тинимсиз курашуви, уни қадрловчи гуманист деган осмон

Х. УЗОҚОВ, филология фанлари кандидати, доцент.

Яхши сўзнинг қудрати

Инсондаги нодир мўъжиза — ақл-заковат тил орқали сўзлар воситасида ифодаланади, ҳар бир одамнинг ички дунёси, маънавий олами заводида, гап-сўзда намоён бўлади. Буюк Навоий сўз таърифида мана бу баътларни айтган:

Кўнгли дуржи ичра гуҳар сўздурур. Башар гулшанида самар сўздурур.

Табиатнинг инсонга буюк эҳсонини тил аммо тилига нима келса айтивериш пик одобдан эмас. Халқ ҳикматида, ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир, дейилади.

Сўз қадрланса ва билиб ишлатилса, у мўъжизакор ишларни бажаради.

— Мен яқинда Кўкрак хирургияси институтига оғир хасталик билан бордим, — деб ёзди Ўзбекистон ССР Давлат Аудиториюнинг ходими Шаҳзода Худойбердиева. — Қарангки, жоним оғирганидан ҳамма ҳужжатларимни уйда қолдириб келибман. Эндоскопия кабинетига кириш-кирмаслигини билмай иккинчи турган эдим, ёшига врач йигит: «Киринг, кираверинг», деди. Мен ҳужжатларимни уйда эсдан чиқариб қўганимни айтдим. «Ҳеч гап эмас» деди у ва меннинг аҳолисини сўраб билди-да, ҳамширага: «Малоҳатхон, мана бу оламизни тезда гастрокопик хонасига олиб кинг», деб буюрди. Орадан ўн беш минут ўтган, мен оғриқ азобидан қутулдим. Исфамилиямни рўйхатда ёздираётганимда бу ҳушқомола, ширин сўз, фидойи врачнинг кимлигини сўрадим. У бунини эшитиб: «Мен — шифокорман, сиз — беморсиз, наҳот излаб келган одамни далолати вазифиямиз, деди ва бир қанча маслаҳатлар айтиб, ҳушқомола билан кузатди. Мен унинг фамилиясини Р. Ҳамолов эканини ёзиб берган консултация варағидан ўқиб билдим. Ажойиб врач Р. Ҳамолов ва Малоҳатхонга ўхшаган ширинсухан шифокорлар доим омон бўлишсин!»

Ҳа, яхшилар омон бўлишсин, аммо дилсизлик қилмаган шифокорлар ҳам борки, бундайлар фақат нафратга учрайди. Қўли болали бир онахон ўз хатига баъзи шифокорлардан дили шикаста топангани куюниб ёзган:

«Кичкинотти қизим кечаси билан иситмалаб, азоб чекиб қилди. Эрталаб поликлиникадан врач чақирдим. Тушга яқин кўнраққонда нозик врач жузун кириб келди: «Ҳа, нима бўлди, ҳовлиқиб поликлиникага уч марта телефон қилибсизлар?», — деди чинирибди, кейин пойфазалини ҳам ечимдан касал етган уйга кириб борди: «Иситмаси баландлаб кетяпти», дедим тортиб.

— Оғзингиз оч, — деди врач жузун кимизга, сўнг иситмасини ҳам ўлчади, томирини ҳам қўрмади, дори ҳам ёзмади: «Қизингиз соппа-соп, томоғи қизармаган, тумов булганда, ўралиб ётсин», — деди ва насихатқон сўз қўйди. — Сал нарсасга ваҳима қилиб врач қақираверманлар.

Лол бўлиб қолдим. Тўрт кун ўтган, қизим сариқ касалига йўлиққанини билдим. Касалхонага йўлланма олгани яна поликлиникага борганим, врачимиз йўқ экан. Таваққал қилиб бош врач ҳузурига кирдим. У менга бирдан бақирди: «Кўрмайсизми, билан тузямиз, молга ўхшаб бостириб киравера-

санми?» Дилим қаттиқ шикаста топти. Эртаси кун бир амаллаб бу ердан йўлланма олдим, чиқиб кетдим, жуда ҳўрлигим келди... Ҳозир қизим анча соғайиб қолди. Аммо уйга қақирилган врачнинг қўпол сўзлари, бош врачнинг кабинетига кирганимда «молга ўхшаб» деб ҳақоратлаши қўнглимда бир умр доғ бўлиб қолди.

Кўрдикки, юқоридagi бир воқеада яхши муомала ва ширинсуханлик беморга соғлиқ бахш этди, руҳиятини кўтарди, одамийликдан лаззат олди, иккинчи воқеада эса муомаласи қўпол, тили аччиқ шифокорлардан бемор озор топиб, муносир онанинг дили шикастланди.

Яхши муомала ва ширинсуханлик наинки шифокорлар орасида, балки ўзаро муносабатларда, ҳамма жойда зарурий фазилат бўлиши керак.

Бир ҳикоят бор. Қадим замонда бир донишманд ҳузурига икки киши келиб, биз ҳикматли сўз айтмайсиз, дейишди:

— Айтинглр, яхши ҳикматли сўзга муқофот берилади, — дедим донишманд.

Биринчи киши дедим: — Яхши ҳуқли, яхши ҳунарли, яхши ниятли бўл, токи одамлар сени абадул-абад яхшилик билан эслаб юрсинлар.

Иккинчи киши айтибди: — Яхшилар қаторида бўлай десанг, дилингга ёмон ният тугма, ёмонлик қилма, ёмонлар билан юрма, ҳаётда ёмон ном қолдирма.

Донишманд ҳикматона бу гапларни эшитиб, биринчи кишига — икки юз, иккинчига — юз тилла инъом қилиб, уларни кузатиб юборибди. Шунда донишманднинг шоғирдлари: «Бу икки киши бир хил мазмунда яхши ҳикмат айтдилар, нега уларни икки хил муқофотладингиз?» деб сўрашди.

Донишманд айтибди: Дарҳақиқат, улар бир хил мавзуда насихат сўзи айтдилар, мен нуқул «Яхши» сўзини ишлатган софидил кишига икки юз тилла, «ёмон» сўзини ишлатгани учун иккинчига намроқ — юз тилла инъом бердим.

Яхши сўз донм қадрланиб, яхшиликларга мезон бўлган. Зеро, ёқимли сўз инсон аъзо-таънасида жуда катта таъсир кўрсатади. Шифокор олимларининг аниқлашларича, ширин сўз бош ният тўғрисидаги ва ҳужайраларини «сизаб-сизалайди», уларга сеҳрли оқна беради (буни қарангки, яхши сўз ҳаттоки қон таркибига махсус модда ҳам ҳосил қилар экан).

Инсон кўнгли шундай. У об-ҳаётга ташна гулдек покиза ва ёқимли омиларга иттиқ бўлади. Гўзал ҳаёт, фаровон турмуш, одамийликни донм уюлғайдиган жамиятнинг қонун-қондалари ҳамма жойда: оилада, меҳнат гўшасида, кўча-кўйда, ўзаро муносабатларда самийилик ва соф муҳит барқарор бўлишини тақозо этади. Ҳар бир инсон гўзал ҳаётимизни надрлар экан, ширинсуханлик интилисин ва бошқалардан ҳам ширинсуханликни талаб қилсин.

Яхши сўзнинг қудратини янада оширайлик!

Тўлқин РАСУЛОВ.

Турмуш чорраҳаларида

Фаввора

Парадлер хиббонидида катта фаввора ёнида уч киши ўй сурганча у ёқдан бу ёққа юрарди. Уччаласининг нигоҳи ҳам қудратли фавворасига қадарганди. Фаввора тинмай шовуллар, сувариларини милли-ард-милларда заррачаларини энгил шабада ўз тўқилларида охиста тебратарди. Фавворанинг ўткир тиллари бири иккинчисидан юқорикор қўзилмоқчи бўлар, қўлларга интиларди. Сал пастроқда эса товуслар камалат қўлларни олиб жипланарди.

Фавворанинг суварли жуда мўл эди, қўрқам эди. Қудратли насослар ёрдамида юксак юксакларга отиларди. Кишини беҳиқиб ўзига ром этарди. Халғи уччала меҳмон шун ерда узок туриб қолдилар.

Улар Тошкентга турли жойлардан келган бўлиб, касблари ҳам ҳар хил эди. Бири москвалик рассо, иккинчиси қашқадарлик дехқон, учинчиси андижонлик ўқитувчи эди. Фаввора тинмай шовуллар, меҳмонларнинг ҳавфларида

турли хил фикрлар гўжон урарди. «Қандай гўзал манзара! — ўйларди рассо ўқини ила, — аттанг, аттанг, мўйқалемларим, ни олиб келмабман! Мана бу камалекнинг расминини қойилмақом қилиб чиқса бўлар экан...»

«Ана суву, мана сув!» — қўзларни ўйларди дехқоннинг, — шунинг ярми бизнинг далада бўлганда борми, гўзаларимиз тўртинчи сувга ҳам қонарди...

Ўқитувчи секингина ух тортарди:

«Сувни шунчалар баланд кўтариш мумкин эканку! Негизда бизнинг Андижонда иккинчи қаватдан юқорига чиқмайди-а!»

Тушунмади...

Шаҳарнинг гавжум кўчалари бўйлаб тўрт йўловчи таксидега кетиб борарди. Ўрдага етай деганимизда, Анҳор ёнида саксонларга бориб қолган мўйсафид қўл қўтарди. Бир қўлида асо, иккинчисидан туғун. Такси шофёри тормоғга оёқ босди.



КИНО

Т. М. КОЗОКБОВ



Р — 13132. Газета яқшанбадан ташқари ҳар кунн, бир йилда 300 марта чиқади. Ғиражи — 50,381. Б—2151. Индекс 64690. 12 3 4 5 6 7 8 9 10.